

Ўзбек адабиёти, колаверса, ўзбек болалар ва ўсмирлар адабиётининг кўзга кўринган вакилларидан бири Хаким Назирдир. У 1915 йилда Тошкентда косиб оиласида дунёга келди. Болалигиданок ота касби - косибчиликдан иш бошлади, оёқ кийим фабрикасида ишлаб, кечкурунлари ўкиди. 1936-1941 йилларда эса кундузи ишлаб, Тошкент кечки педагогика ипститутида тахсил олди.

Шу йиллардан бошлаб, у жумхурият болалар матбуотида, радиода ишлади. Унинг ижоди 30-йиллардан бошланган бўлиб. даставвал лавхалар, репортаж ва хабарлар билан «Ленин учкуни» рўзномасида пайдо бўлди. Ёзувчининг биринчи хикоялар тўплами 1948 йилда “Кишлокдаги жиянларим” номи билан чоп этилди. Шундан сўнг, кетма-кет адабнинг «Пионерлар боги» (1950), “Беш баҳо” (1955), «Чўл хавоси» (1958), «Мени танийсизми?» (1963), «Болажонларим» (1964) сингари хикоялар тўпламлари ва «Чиранма гоз» каби сахна асарлари яратилди. Мазкур асарларда ёзувчи болалар ва ўсмирларга хос бегубор калб харорати ва туйгуларини ардоклашга интилди, уларни меҳнатсевар, эл-юрт, ватан фарзандлари бўлишга даъваткорлик килди. Унинг 40 дан ортик китобларида ёшлик ташвишлари, орзу-интилишлари ўз ифодасини топди.

Адабснинг «Ёнар дарё» (1966), «Али ва Шер» (1971) каби кисса ва хикояларида, шунингдек, “Лочин канотлари” (1973) каби романларида хам ёш авлоднинг комил инсон бўлиб етишуви йўлидаги кураш ва умидлар ташвиши ва орзулари кенг ифода этилди.

Хаким Назирнинг ўндан ортик китоблари ва асарлари рус ва бошда тилларда нашр этилган бўлиб, айрим энг яхши асарлари «Пионер кутубхонаси» тўпламинин 6- жилдида нашр этилган. У айни чогда мохир таржимон хамдир. Шоир В. Катаев, А. Гайдар, Л. Кассил каби бир катор адабларнинг болалар хакидаги асарларин ўзбек тилига агдариб нашр эттириди.

1981 йилда унинг беш томлик сайланма асарлари Хамза номидаги Республика Давлат мукофотига сазовор бўлди. Бинобарин, у Ўзбекистон халк ёзувчисидир.